

Одамларда Учрайдиган Ошқазон Ичак-Тракти Функционал Бузилишулишларида Депрессия Ва Хавотирли Холатларни Эрта Аниқлаб Баҳолаб Даволаш

Рустамов Уйғун Турсинович¹

Аннотация: Олиб борилган Эпидемиологик тадқиқотларимиз натижасига кўра бугунги кунда соматоген, психоген ёки рухий бузилишлар ўсма касаллар деярли ярмида учрайди. Бу касалликларнинг бирлаштирилган шаклларига этибор берсак онколог, психиатр, психотерапевт иштирокида диагностика ва даволашга комплекс ёндашувни талаб қилади. Ушбу мақолада онкологик клиникада психиатрнинг маслаҳати аниқ рухий холатида бузилишлари бўлган беморларга шошилиш ёрдам кўрсатишга қаратилган бўлиб бу - соматоген, реактив таъсирни олдини олишга қаратилганлиги ҳақида сўз йўритилган.

Калит сўзлар: Ошқазон, ўн икки бармоқли ичак, соматоген, онколог, психиатр ҳавотир ва депрессияли бузилишлар, рак, психотерапия.

Қириш. Эпидемиологик тадқиқотлар онкологик касалликлари бўлган беморларнинг деярли ярмида соматоген, психоген ёки қўшма рухий бузилишлар борлигини кўрсатади[8]. Психосоматик касалликларни даволаш учун беморларга 3 хил ёрдам кўрсатилиши керак: дорилар, психологик ва ижтимоий. Тиббий ёрдам умумий амалиёт шифокорлари (терапевтлар) томонидан тор мутахассислар (гастроэнтерологлар, онкологлар, жарроҳлар) ёрдамида амалга оширилиши керак. Психологик ёрдам кўрсатиш учун психологлар, психиатрлар, психотерапевтларнинг маслаҳатлари зарур булса ижтимоий ёрдамда кўпинча беморни келиб чиқиши, муҳити, оилавий ахволи овқатланиш рационалига эътибор қаратиш керак. Кўпинча ҳавфли ўсмаси бўлган беморларда чегаравий ҳавотир ва депрессив бузилишлар аниқланиб, уларда турли оғирлик даражасидаги депрессиялар 20-30% холатларда аниқланади (1-77% орасида) [2,5]. Ҳавотирли симптоматика турли муаллифларнинг хулосасига кўра 24-38% беморларда кузатилади. Бундан ташқари ҳавотир ва депрессия рақнинг турли даражаларида 9,3 дан 20,2 фоизгача бўлган аралаш холатни юзага келтириб, юқори даражадаги коморбидликни юзага келтиради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики гастроэнтерологларга мурожат қилган беморларнинг 30дан 70 фоизгача беморларда функционал бузилишларга дуч келади ва уларнинг ярмида рухий холатни яхшиловчи даво керак булади. [3, 4]. Ёндош ҳавотир ва депрессив бузилишлар асосий касалликнинг кечиши ва прогнозига салбий таъсир қилади - даволашга бўлган комплаентликни, химиятерапия самарасини пасайтиради, ўсма жараёнининг орқага қайтишини тормозлайди ва шу билан ижтимоий мослашувнинг коморбид даражасини тикланишига тўсқинлик қилиб, ўз жонига суиқасд ҳавфини оширади ва эрта ўлимга олиб келади [1,9]. Рак билан касалланган беморлардаги ҳавотирли-депрессив холатни паст баҳолаш бемор ва унинг оила аъзолари рухий бузилишлар ва уларнинг онкологик касалликларда юзага келиш ҳавфи ҳақида деярли маълумотга эга эмасликларидан келиб чиқади. Шу билан бир қаторда онкологлар беморларни рухий холатига кам эътибор қаратишлари ҳамда психотроп дори воситаларини кам тавсия қилишларини айтиш жоиз.

Материаллар ва усуллар. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида 2019-2020 йилларда илмий тадқиқот олиб борилди. Тадқиқот объекти 104 та бемор бўлиб, Ошқозон саратони 95та, қизилўнғач саратони эса 9тани ташкил этиб уларнинг ёш диапазони 48-64 (ўртача ёши 56,5±11,5). Беморлар тадқиқот мезонларига кўра танлаб олинди. Ошқазон ва ўн икки бармоқли ичак рақи ташхисининг III-IV босқичидаги даволашнинг қўллашган турлари (хирургик, нур) билан муолажа олаётган ҳамда дори воситалари ва психотерапия қўлланилаётганлар. Тадқиқотда қатнашиш учун беморларнинг розилиги олинди. Ташхис касалликларнинг ҳалқаро статистик классификацияси ва саломатлик билан боғлиқ муаммоси (10-қайта кўриб чиқиш, 1995) нинг “Ошқазон ва ўн икки бармоқли ичак ҳавфли ўсмалари” ташхиси асосида олиб борилди. Шу билан бирга, тадқиқот мезонларидан истисно холатлар ҳам аниқлаб борилди ва чиқарилди: эндоген табиатли ёндош рухий касалликлар, ҳуруж давридаги оғир соматик касалликлар. Барча беморларга беморни бевосита тадқиқ қилувчи клинко-психологик усуллар қўлланилди: клиник интервью, сўроқ усули, динамик кузатув ва суҳбат. Бемор билан суҳбат мобайнида уларнинг психологик статуси ўрганилди, хулқидаги ўзига хос хусусиятлари, руҳиятнинг касаллигига нисбатан чидамсизлиги, кўркув ҳавотир ва неврастеник белгиларнинг кучайиб бориши шахсий клиник кузатуви ва анамнестик маълумотлар таҳлил қилинди. Суҳбат кўрсаткичларини аниқлашда беморнинг қуйидаги характеристикалари эътиборга олинди: ёши, интеллектуал даражаси, оилавий холати, ҳавфли ўсманинг тарқалганлик даражаси. Тадқиқот мобайнида онкологик беморни текшириш учун клиник суҳбат усулини қўллашга эҳтиёж туғилди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур усулни тўғри қўллаш билан экспериментал-психологик тадқиқотни муваффақиятли натижа беришига олиб келади. Жарроҳлик амалиётини қўллаш эҳтиёжи ва психологик текширув кўпгина беморларда томонидан негатив қабул қилинганини ҳам ҳисобга олиш керак.

¹ Бухоро давлат тиббиёт институти

Биринчи навбатда беморларнинг рухий фаолиятига эътибор қаратилди. Сухбат йўналиши тадқиқотнинг турли босқичларида ўзгаришларга учрамади, ammo унинг структураси касалликнинг кечишига мос равишда ўзгарди. Беморларнинг преморбид шахс хусусиятлари, ижтимоий – психологик адаптацияга тўғри баҳо бера олишига ҳам эътибор қаратилди. Анамнестик ва объектив маълумотларни ўрганишда оиласида наслий мойиллик борлиги, ёндош соматик касаллик мавжудлиги ва оилавий муносабатлар ҳисобга олинди. Бевосита сухбатни, катамнестик маълумотларни, клиник касаллик тарихини батафсил таҳлил қилиш мобайнида касалликнинг клинικο-диагностик тасвири ва олиб борилган давонинг самараси ўрганилди. Катамнестик давр клиник сухбатнинг иккинчи қисмига эътибор қаратиш билан характерланди. Мақсад меҳнат фаоллигини тикланиши ҳақидаги маълумотни олиш эди.

Олинган маълумотларни объектив баҳолаш учун психодиагностик усуллардан фойдаланилди. “Хавотир ва депрессияни аниқлашда ЗУНГ шкаласи” экспресс-скрининг усули бўлиб умумтиббиёт амалиётида ҳавотир ва депрессия даражасини аниқлаш учун қўлланилади. Ҳавотир ва депрессияни аниқлаш учун юқори дискриминант валидликка эга.

Натижа. Олиб борилган текширувларимиз натижасида даволаниш (оператив,нур)дан олдин астеновегетатив бузилишлар барча беморларимизда қайд этилган бўлса,уёқу бузилишлари (34%),кайфиятнинг бузилиши,тушқун кайфият(42%),колган (24%) беморларимизда қўрқув-хавотир ва синесто-ипохондриқ бузилишлар аниқланди. Операция ва нур даводан кейин беморларга қўшимча равишда психотрооп дори воситалар (транквилизаторлар,антидепрессантлар)ни таъсири натижасида(54%) беморда уёқуси яхшиланган булса (34%) беморда тушқун кайфият бартараф этилди,(22%) беморларимизда қўрқув хавотир ваҳиманинг олди олинди. Шу билан бирга беморлар ўзларидаги касалликни оғирлиги ва ўлим билан тугаши ҳақидаги маълумотни билганларидан сўнг ўзларидаги рухий жароҳатни енгиллаштириш учун специфик психологик химояни қўлладилар. Айтиб ўтилган химоя механизмларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: рационализация, касалликни тан олмаслик, бегоналашиш, сиқиб чиқариш ва ҳ.к.

Касалликни қабул қилиш уни даволашга бўлган муносабатни шакиллантирди: 46 (44,8 %) беморларда фаол, 45 (43,9 %) беморларда нотурғун, 13 (11,3) % беморларда пассив .

Ҳавотирли ҳолатнинг клиник кўринишларидан тажанглик, паришонхотрлик, эмоционал лабиллик ва таъсирчанлик устунлик қилди. Клинико-психологик текширув асосида ҳавотир ва депрессиянинг клиник намоён бўлишига кўра гуруҳлараро фарқлар аниқланди. Ҳавотирли-депрессив бузилишлар ўсманинг босқичига кўра динамикасини ўрганиш мобайнида ҳавотир ва депрессия рақнинг барча босқичида кузатилиши ва у диагностик босқичдаги субклиник бузилишлардан секин аста оғирлашиб терминал ҳолатда психотик депрессиянинг субступор ҳолатигача бориши аниқланди. Соғайишга бўлган умиднинг сўниши, ўсиб борувчи пессимизм, тушқунлик, пассивлик, “тақдирга тан бериш” ва бепарволик касалликнинг предтерминал ва терминал босқичларида кузатилди. Соматизирланган депрессия босқичи узоқ давом этиб, “таъсирчанлик билан кечувчи ҳолсизлик”, вегетатив лабиллик, ипохондриқ симптомлар билан кузатилди[3].

Хулоса. Онкопатология натижасидаги келиб чиқган соматоген депрессия касалликнинг кечишига негатив таъсир этиб, беморнинг ҳаётий кўрсаткичларига салбий таъсир этади. Шу билан бирга уёқу бузилиши,қўрқув-хавотир,ваҳима,депрессия онкологик касалликнинг нохуш прогностик омили ҳисобланиб, охириги босқичларда унинг таъсири ортиб боради[6,7]. Асосан депрессия бирламчи касалланган беморларда негатив таъсир этиб, 5 йиллик яшовчанликни ёмонлаштиради. Депрессия, химоясизлик ҳисси,умидсизлик пессимистик фикрлашлар онкологик касалликнинг ривожланиши ва прогнозига таъсир этиб, шифокорга биринчи муружаатни кечиктиради ва паст комплаетликка олиб келади. Депрессия онкологик касаллик (масалан, цитокинларнинг фаоллашиши туфайли) ёки ўсмага қарши даво (масалан, иммунологик актив воситаларнинг ноёқу таъсири) туфайли юзага келишини ҳисобга олиш зарур ва у мустақил предиктор бўла олмайди. Бундай ҳолатда депрессия касаллик прогнозини оғирлашганинг белгиси бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, хавфли ўсмалар билан касалланган беморлардаги долзарб муаммо бўлган хавотир ва депрессияли бузилишларни ташҳиси ҳамда давосини ечими онколог, психиатр ва психотерапевтларни илмий амалий интеграцияси шароитидагина ечимини топади.

Адабиётлар рўйҳати.

1. Ивашкин В.Т. Шептулин А.А., Киприанис В.А. Функциональная диспепсия: краткое практическое руководство. М.: МЕДпресс-информ, 2011. 112 с. Ivashkin V.T., Sheptulin A.A., Kiprianis V.A. Funktsional'naya dispepsiya: kratkoe prakticheskoe rukovodstvo. М.: MEDpress-inform, 2011. 112 s.
2. Кузьмичев А.Ф. Психические расстройства при синдроме функциональной диспепсии: дис. ... канд. мед. наук: 14.01.2006. М., 2010. 153 с. Kuz'michev A.F. Psikhicheskie rasstrojstva pri sindrome funktsional'noj dispepsii: dis. ... kand. med. nauk: 14.01.2006 . М., 2010. 153 s.
3. Махов В.М., Ромасенко Л.В., Турко Т.В. Коморбидность дисфункциональных расстройств органов пищеварения. Русский медицинский журнал. Болезни органов пищеварения. 2007. Т. 9. № 2. С. 37-42. Mahov V.M., Romasenko L.V., Turko T.V. Komorbidnost' disfunktsional'nyh rasstrojstv organov pishcevariya. Russkij Medicinskij Zhurnal. Bolezni organov pishcevariya. 2007. Т. 9. № 2. S. 37-42.

4. Рустамов, У. Т. (2022). ОШҚАЗОН ИЧАК-ТРАКТИ ФУНКЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРИДА ДЕПРЕССИЯ ВА ХАВОТИРЛИ ХОЛАТЛАРНИ ДАВОЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР. *Scientific progress*, 3(4), 702-708
5. Rustamov, U. T. (2021). Specific Features of Psychoemotional Disorders in Functional Disorders of Gastrointestinal Activity. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 308-310.
6. Mukhamadiev, N. B., Mukhtorova, K. K., & Rustamov, U. T. (2019). EVALUATION OF THE BIOCHEMICAL INDICATORS OF BLOOD OF PATIENTS AFTER MYOCARDIAL INFARCTION WITH DEPRESSIVE SYNDROME. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 2(2), 111-115.
7. Кучкаров, У., Рустамов, У., Худойбердиев, Д., & Назаров, А. (2018). Определение, оценка и оптимизация методы лечения аутизма. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (2.1 (101)), 145-148.
8. Ходжаева, Н. И., Кучкоров, У. И., Мухтарова, Х. К., & Рустамов, У. Т. (2011). ОПРЕДЕЛЕНИЕ ТИПОВ РАССТРОЙСТВА СНА В ПОСТАБСТИНЕНТНОМ ПЕРИОДЕ ГЕРОИНОВОЙ НАРКОМАНИИ. *ПСИХОЛОГИЯ ЗДОРОВЬЯ И БОЛЕЗНИ*, 417.
9. Port K., Palm K., Viigimaa M. Self-reported compliance of patients receiving antihypertensive treatment: use of a telemonitoring home care system. *J. Telemed. Telecare*. 2003. Vol. 9. P. 65-66.
10. Morisky D.E., Green L.W., Levine D.M. Concurrent and predictive validity of self-reported measure of medical adherence. *Med. Care*. 1986. Vol. 2. P. 67-73.
11. Djurayevna, K. M. (2021). Russian Language as A Foreign Language in Medical Universities. *Eurasian Journal of Research, Development and Innovation*, 3, 14-18.
12. Juraevna, K. M. (2021). THE ORIGINALITY OF CASE FORMS IN RUSSIAN. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(6), 36-
13. Juraevna, K. M. STUDY OF RU.
14. Nazarova, F. I. R. U. Z. A. (2021). The use of phenological observations in the determination of the main phases of the development of thin-fiber goose varieties in the conditions of Bukhara region. *Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (9), 523-526.
15. Nazarov, A. I. (2022). ATROF-MUHITNING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI. *Scientific progress*, 3(1), 881-885.
16. NAZAROV, A. (2022). TECHNOLOGY OF PREPARATION OF GLUE FROM CARPET FACTORY WASTE. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(2), 32-36.
17. Назаров, А. И. (2022). АУТИЗМ КАСАЛЛИКИНИ ЭРТА АНИҚЛАШДА ВА ДАВОЛАШДА ДАВО ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ДАВО САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ. *Scientific progress*, 3(1), 1143-1152.
18. Nazarov, A. (2021). Challenges to Uzbekistan's secure and stable political development in the context of globalization. *Journal on International Social Science*, 1(1), 26-31
19. Nazarova, F. I. (2022). SOG'LOM FARZAND OILA QUVONCHI. *Scientific progress*, 3(2), 1010-1015.
20. Назаров, А. И. (2022). COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ БОЛАЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3(2), 1026-1031.
21. Nazarov, A. I. (2022). CONSEQUENCES OF SEIZURES AND EPILEPSY IN CHILDREN. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 483-489.
22. Nazarov, A. (2018). THE GLOBALIZING WORLD: THE CONDITIONS AND PREREQUISITES FOR POLITICAL DEVELOPMENT THROUGH INNOVATIVE POLITICS AND PREVENTIVE DEMOCRACY. *Theoretical & Applied Science*, (4), 9-12.
23. Nazarova, F. I. (2022). ABU ALI IBN SINONING SOG 'LOM TURMUSH TARZINI SHAKILANIRISHI HAQIDA. *Scientific progress*, 3(1), 1137-1142.
24. Akmalovna, A. C. (2022). Characteristics and Advantages of Soybean Benefits in Every way. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 67-69.
25. Aminjonova, C. A. (2022). SOG'LOM ONA VA BOLA-BAXTLI KELAJAK ASOSI. *Scientific progress*, 3(1), 874-880.
26. Ilhomovna, N. F. (2022). BATANIKA FANINI O'QITISHDA TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH VA INTERFAOL MEDODLARNI ROLI. *БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 289-295.

27. Ilhomovna, N. F. (2022). DORIVOR O'SIMLIKLARNING O'ZBEKISTONDAGI AHAMIYATI. *BARQARORLIK VA ETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAIN ILMIIY JURNALI*, 507-512.
28. Nazarova, F. I. (2022). SOG'LOM FARZAND OILA QUVONCHI. *Scientific progress*, 3(2), 1010-1015.
29. Nazarov, A. (2021). Healthy generation-the basis of a healthy family. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 409-413.
30. Nazarova, F. (2022). Qaridoshlar orasidagi ofat. *Scientific progress*, 3(1), 663-669.
31. Nazarova, D. (2019). THE INTERPRETATION OF EDUCATIONAL IDEAS IN THE POEMS OF JAMAL KAMAL. *Theoretical & Applied Science*, (11), 136-138.
32. Nazarova D.I. The foundation of Kamol Jamol's poems is pain// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.- 2020.- №6.- P. 1 – 3
33. Nazarova D.I. Feelings of lyric heroes in Kamol Jamol's work// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.– 2020.- №6.- P. 1 - 3.
34. Quvvatova, D., & Nazarova, D. I. (2020). The rubai genre in the works of Jamal Kamal. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, (9), 346-352.
35. Dildora, N. (2021). Genre Features o.\
36. Nazarova, D. (2019). Literary Motives of Sufizm and Spiritual, Moral Ideas in the Lyrics of Jamal Kamal. *International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8. Issue, 3(October 2019), 223.*
37. Nazarova, D. (2019). POETRY OF JAMAL KAMOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 186-189.
38. Назарова, Д., & Зойирова, Д. А. (2022). ЖАМОЛ КАМОЛ ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ҚУРИЛИШИ. *Scientific progress*, 3(1), 934-944.
39. Nazarova, D. I. (2020). Jamol Kamolning Asru radifli g'azaliga yozgan muxammasi. *Ilim ham ja'miyet. Ilmiy-uslubiy jurnal*, (1), 93.
40. Nazarova D.I. Feelings of lyric heroes in Kamol Jamol's work// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.– 2020.- №6.- Pp. 1 - 3.
41. NAZAROVA, F. (2022). CREATION OF FINE-FIBER COTTON VARIETIES IN THE CONDITIONS OF THE BUKHARA REGION. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(2), 50-54.
42. Назарова, Ф. И. (2022). БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ-ДАВР ТАЛАБИ. *BARQARORLIK VA ETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAIN ILMIIY JURNALI*, 2(2), 92-94.
43. Nazarova, F., & Hudaikulova, N. (2019). Healthy generation-the basis of a healthy family. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 69-73.
44. Назарова, Д. И. (2020). ЖАМОЛ КАМОЛ МУХАММАСЛАРДА УСЛУБ ВА ТАСВИР. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(3)
45. Ilhomovna, F. N. (2022). RESPONSIBILITY OF PARENTS BEFORE THE OFFSPRING. *Conferencea*, 441-446.
46. Ilhomovna, F. N. (2022). LATE SEIZURES AND CONSEQUENCES OF EPILEPSY IN YOUNG CHILDREN. *Conferencea*, 219-223.
47. Ilkhomovna, N. F. (2022). Negative Impact of Seizures on Quality of Life. *Miasto Przyszłości*, 24, 120-122.